

## ШАРТНОМА № 01

2022 йил 10 март

Чуст шахри

Чуст туман 1-сон касб хунар мактаби номидан Низом асосида фаолият юритувчи касб хунар мактаби директори Х. Джураев (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)  
(Ф.И.О.)

бир томондан ва Давр улгуржи савдо МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи

(ташкилот номи)

Жамият раиси Э.Джабборов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи

(Ф.И.О.)

томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4962-сон қарорига асосан Чуст туман 1-сон касб-хунар мактаби негизида ташкил этилган “Курилиш соҳасида малакали мутахасисларни тайёрлаш маркази”да 2021 йил декабр ойи учун аутсорсинг хизмати кўрсатиш учун 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан махсус ахборот порталига 02 декабр 2021 йилдаги 7176961-сонли лот билан қўйилган эълонга асосан аутсорсинг хизмати кўрсатиш мақсадида тузилди.

1.2. Пулли хизмат кўрсатиш шартномасига кўра, Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур шартноманинг 1.1-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.  
1.2.1 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни шахсий таркибини озик-овқат паёқларининг белгиланган нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш мажбуриятини, (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади,) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати шартнома тузилган санадан 90 кунгача .  
1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йўл-далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер

куйидагиларга

мажбур:

2.1.1. Таомни ва тайёр маҳсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария қоидалари, гигиена нормалари, укув марказ талабаларининг тегишли тоифалари учун таъминот нормалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таом тайёрлаш ва овқатланишни ташкил этишга тааллуқли қисмларидаги талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматларни кўрсатиши.



3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда амалга оширилади.

3.2.1. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бозор нархи ва тасдиқланган тегишли нормалар бўйича Буюртмачи томонидан белгиланади ва шахсий таркиб сонига кўпайтирилади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоиз устама ҳақи миқдорига кўпайтирилади. Шартномада курсатилган сумманинг 30% шартнома газначилик булинмасида тулик шакллантирилганидан кейин олдиндан тулаб берилади.

3.2.2. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг таксимоти) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.2.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган миқдорда тўланади.

3.2.4. Мазкур Шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари Томонлардан бирининг ташаббуси билан одатда бир ойда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

#### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.



- 2.1.2. Шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган сифатли озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиши.
- 2.1.4. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик ҳажмда кўрсатиши.
- 2.1.5. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, овқат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши. Таомнинг (озиқ-овқат маҳсулотларининг) сифатсизлиги, таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш жойларининг ҳолати, шунингдек, ошхона идишларининг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши.
- 2.1.6. Малакали, тажрибали, қуйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга Буюртмачи билан келишган ҳолда таом тайёрлаш жараёнига рухсат этиши.
- 2.1.7. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши.
- 2.1.8. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.
- 2.1.9. Мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни жорий таъмирлаши.
- 2.1.10. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (ошхона, омборхона ва бошқалар), ускуналарни, жиҳозларни, идишларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши.
- 2.1.11. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши.
- 2.1.12. Мазкур шартномага асосан Хизмат кўрсатиш ишларига жалб этилган ошпазларни ва бошқа ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши.
- 2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:
- 2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича ҳар ун кунликда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши.
- 2.2.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (ошхона, омборхона ва бошқалар), ускуналарни, жиҳозларни, идишларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши.
- 2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, бажарилаётган Хизматларнинг юритилиши ва сифатини исталган вақтда текшириш.
- 2.3.2. Шартномани бекор қилиш тўғрисида бир ой олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартномага суммаси **865 000 000** (Саккиз юз олтмиш беш миллион) сўмни ташкил этади.

## VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII. Яқунловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.  
7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.  
7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу шартнома имзоланиб туман ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»

Давр улгуржи савдо МЧЖ

манзил: Чуст туман Саодат куча

№63 уй Тел/ факс (69) 42-32-111

ш.х,в:20208000300461777001

банк номи: Агробанк Чуст фил-ли

ИНН:207226625 МФО:00249

Рахбар:  Д.Джабборов

Чуст туман 1-сон касб ҳунар мактаби

Манзил: Чуст шаҳри Чустий кўчаси 35-уй

Шҳр:401010830142377092904079001

Стир: 200110965, оконх: 92120

Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги Ғазначилиги хккм марказий

банк Тошкент МФО 00014  
х/р 23402000300100001010  
стир: 201122919

Директор:  Х. Джураев



«ЮРИСТ»  
Ўзбекистон Республикаси  
Адвокатлар Палатаси  
Наманган вилоят ҳудудий  
бошқармаси «Наманган  
advokatlar hay'ati» адвокати  
Исрабадалов Турсун Ҳақимович  
Лицензия № 0045